

Қонуларнинг тўла кучга кириши учун ҳам жамоатчилик назорати зарур. Қабул қилишда қонун эса ана шу назоратнинг кучли, самарали бўлишига пойдевор яратди, албатта.

Айниқса, тиббиёт тизимида бепарволик ва масъулиятсизликка асло йўл қўйиш мумкин эмас. Афсуски, гоҳида ана шундай ҳолатлар ҳам учраб турибди.

Оилада соғлом авлодни дунёга келтиришнинг яна бир омили, бу — қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймасликдир.

Маҳалла

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИ ТАШКИЛОТИ (ОДҚБ) КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 декабрь куни Москва шаҳрида бўлиб ўтган Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДҚБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг мажлисида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Қуйида ана шу нутқ матни чоп этилмоқда.

Мухтарам давлат раҳбарлари.

Сизларни қутлашга ва Россия томонига, Россия Президенти Дмитрий Медведевга самимий қабул ва аънанавий меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Бугунги саммит кун тартибидagi асосий масала — ОДҚБ коллектив хавфсизлик тизимини янада такомиллаштиришдир.

Биз ОДҚБ қарорларининг самарадорлиги ва уларнинг тезкорлик билан қабул қилинишини таъминлаш, Ташкилотнинг можароли вазиятларга самарали муносабат билдириш имкониятларини мустахкамлаш борасидаги ташаббусларни асосли ҳамда ўз вақтида илгари сурилган, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг бу борадаги қатъий позициясини яна бир бор алоҳида таъкидламоқчиман: ОДҚБнинг вазифаси — бу, ОДҚБ давлатлари ўртасидаги ва МДҚ маконидаги турли қарама-қаршиликлар ва можароларни ҳал этишда қатнашиш эмас, балки, аввало, Ташкилотга аъзо мамлакатларни ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз, шунингдек, ОДҚБга аъзо у ёки бу давлатлар ичда «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» юзага келган ҳолатларда унга Ташкилотнинг аравашуви ёхуд таъсир кўрсатишга асло йўл қўймаслик зарур, деб ҳисоблаймиз. Бизнинг принципиал позициямиз шундан иборат ва Тезкор ҳаракатланувчи коллектив кучлар тўғрисидаги битимни имзоламаганимизнинг сабаби ҳам шунда.

Бунда у ёки бу мамлакат ичидаги «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» турли сценарийлар бўйича, ташқи кучларнинг бевоқиф аравашуви ва молиялаштируви орқали юзага келиши мумкинлигини эътиборга олиш даркор.

Шу боис «зўравонлик хатти-ҳаракатлари»нинг ҳақиқий ташкилотчиларини аниқлаб олиш зарур. Шундан кейингина муайян қарор қабул қилиш мумкин.

Жорий йил 10-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида рўй берган воқеалар барчамиз учун кўп жиҳатдан сабоқ бўлиши керак. Ушбу воқеалар мамлакат ичидаги қарама-қаршиликлар ва мо-

жароли вазиятларнинг ҳақиқий сабабини синчковлик билан ўрганмасдан, бу жароёнларга аралашиб қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳар томонлама ўйлаб, уларни ҳал этиш учун Ташкилотнинг аралашуви мутлақо йўл қўйиб бўлмаслигини яна бир бор кўрсатди.

11-12 июнь кунлари ўзбек миллатига мансуб 100 мингдан зиёд қочқинлар, авваломбор, ерданга муҳтож хотин-қизлар, болалар ва қариялар Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган миллатлараро хунрезликлардан қочиб, Ўзбекистоннинг Фарғона vodiysidaги чегарасини кесиб ўтди.

Мен ҳозир бу одамларни жойлаштириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, чегара ҳудудида тартибни сақлаш ва улар ўзини ҳимояланган деб ҳис қилиши учун зарур шартларни яратиш борасида юзага келган улкан муаммолар, бунинг учун сарф этилган ресурслар ва маблағлар ҳақида гапириб ўтирмаймиз.

Бу одамлар чегарадан ўз хоҳиши билан ёки Қирғизистон жанубида яшаш ёқмагани учун ўтгани йўқ. Улар у ерда юз йиллар мобайнида қирғизлар билан ёнма-ён яшаб келган ва бундан кейин ҳам яшайди. Бунга бизнинг ҳам, Қирғизистон Президенти Роза Отунбоевнинг ҳам ишончи қомил. Қирғизистон жанубида ҳамон сақланиб турган кескин вазиятдан чиқишнинг йўли шундан иборат эканига ишонаман.

Агар аҳолимиз ўртасида осойишталикни сақлаш олмаганимизда ва турли ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олмасганимизда Ўзбекистоннинг қарийб 300 минг қирғиз миллатига мансуб аҳоли яшайдиган Фарғона vodiysida ҳудудда қандай фожиа воқеалар рўй бериши мумкинлиги ҳақида гапирмасам ҳам бўлади.

Роза Отунбоева ташаббусига биноан 11 июнь эрта тонгда мен у билан телефон орқали узоқ гаплашдим. Шунда мен уни ҳар қандай ҳолатда ҳам биз томондан бирорта ҳам одам Қирғизистон чегарасидан ўтмайди, деб ишонтирдим ва ўз сўзининг устидан чиқдим.

Уш Андижон шаҳридан узори билан 40 километр, чегарадан эса бор-йўйи 15 ки-

лометр масофада жойлашган. Агар ушбу қалтис пайтда вазиятни назоратда сақлаб турмаганимизда, Қирғизистон жанубидаги миллатлараро қарама-қаршилик Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетган бўлар эди.

Бошқача айтганда, Қирғизистон жанубида рўй берган қонли воқеалар оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган улкан фожиага айланб кетиши ҳеч гап эмасди.

Ушбу қонли воқеаларнинг сабаби нимада, уларнинг бу-юртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочилари кимлар экани — бу алоҳида масала.

Сизларнинг эътиборингизни қуйидаги масалага яна бир бор қаратмоқчиман. Агар битта бўлса ҳам ҳарбий хизматчи, Ўзбекистон, Қозғизистон ёки Россия ҳарбий хизматчиси бўлишдан қатъи назар, Қирғизистон чегарасидан ўтганида, бу кейинчалик жилолаш қийин бўлган катта можарога олиб келиши мумкин эди.

МДҚ ҳудудида бунга мисоллар кўп. Масалан, Арманистон ва Озарбойжон 20 йилдан ортқ вақт мобайнида ўзаро мақбул бўлган келишувга эриша олмаёттир. Можаро рўй берган дастлабки йиллардаёқ унинг ёйилиб кетишига йўл қўймаслик керак эди. Эҳтимол, шунда томонлар бутун юзага келган вазиятни бартафоз этиб, ўзаро муроасага келган бўлар эди.

Мен бу мисолларни ҳар бир алоҳида вазиятда биз «зўравонлик хатти-ҳаракатлари» деб атаётган воқеаларнинг ҳақиқий сабабларини ниҳоятда жиддий ўрганиб чиқиш кераклигининг даими сифатида келтирмоқдаман.

Айнан шу сабаби Ўзбекистон можароли вазиятларга ОДҚБ муносабат билдириши тартиби тўғрисидаги Низомни имзоламаёттир.

Биз, шунингдек, ОДҚБнинг тинчликпарвар кучлари тўғрисидаги баёноти ҳам имзоламаймиз. Бизнинг қароримизнинг моҳияти шундан иборатки, бундай тинчликпарвар кучларда иштирок этиш ҳар доим ихтиёрий хусусиятга эга бўлган ва Ўзбекистон ўз ҳудудидан ташқаридаги тинчлик ўрнатилган операцияларида иштирок этмайди.

Эътиборингиз учун ташаккур.

СПОРТ ҲАЁТИДАН ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

Мухтарам Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва жамуаларни барпо этиш бўйича амалга ошираётган ишларимиз ўзининг ижобий самарасини бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.



Шу билан бирга истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортқи қишлоқ жойларида қурилгани, бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг қўлаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратгани тўла эътироф этилади.

Фарзандларимизнинг маънан ва жисмонан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим восита бўлган жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам қатор хайри ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бунда «Маҳалла» хай-

рия жамғармаси вилоят бўлими ва унинг жойларида бўлиб-малари, ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти муҳим ўрин тутаяти биз учун қўновардир.

Бугунги кунда вилоятда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли даражада шарт-ш-

роит яратилган. Ҳозир вилоятда 15 та йирик стадион, 3048 спорт майдончаси, 502 та спорт зали ва 27 та спорт майдони мавжуд. Бу мажмуаларда 74 мингта яқин ўқувчи-ёшлар спортнинг турли йўналишларида шуғулланиб, саломаатлигини мустаҳкамламоқда.

СПОРТ > [8]

Муносабат

УМРНИ БЕЗАГАН ЭЗГУ ФАЗИЛАТ

Юртбошимиз томонидан 2011 йилни мамлакатимизда «Кичик бизнес ва тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани биз маҳалла фаолларини, нуруний кексалар ва куч-қувватга тўлиб турган маҳалламиз ёшларини беҳад қувонтирди. Негаки, бугун маҳалла ҳаётидаги у ёки бу масалаларнинг ҳал этилишини тадбиркорлар, ишбилармонлар кўмагисиз тасаввур этиш қийин.

Кам таъминланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик, янги иш ўринларини ташкил этиш, қўйинги, бутун оила, маҳалла фаровонлигига, ободончилигига дахлдор ишлар борки, барчасига тадбиркорларимиз камрабаста. Ҳаётимизнинг бугунги фаровонлиги ва осойишталигини таъминлашда улар хизматини инкор этиб бўлмайди, албатта.

Юртбошимиз ўз маърузаларида жуда тўғри иборани таъкидладилар:

«...тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳалқимизнинг, миллатимизнинг қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат». Фаолиятим бевоқиф маҳалла ҳаёти билан боғлиқ эмасми, ҳар кун одамлар билан учрашаман, улар билан дилдан сўхбат қураман. Айтишим мумкинки, уларнинг дунёқарашидаги, таваққуридаги ўзгаришларни кўриб хайратга тушаман — мутлақо бошқача. Ҳаракатида жўлқинлик, ғайратда улуворлик бор. Тадбиркорлик, ишбилармонлик

борасида каттароқ ишларни мақсад қилишган. Корхона ва завод қуриб, бир неча хил маҳсулот ишлаб чиқараётган маҳаллаошларимиз бор. Шундан хулоса қиламанки, бундай фазилат ҳақиқатан ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва асрлар давомида бугун ҳаётини безаб келган.

Яна бир муҳим жиҳат. Истиқлол шарофати билан минглаб маҳаллаошларимизнинг тарихий номаври тикланди. Агар эътибор берган бўлсангиз, жой номаврининг аксарияти касб-кор, ҳунармандчилик ва тадбиркорлик номаври билан боғлиқ ва бу жойлар юз йиллардан бунён шу ном билан аталиб келган. Демак, тадбиркорлик ва ишбилармонлик тарихан маҳаллаошлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
ҲАЁТ > [2]

Ўқув-семинар

ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ



Ўзбек академик Миллий театр биносидан ўтган ўқув-семинар иштирокчилар учун ҳар томонлама фойдали бўлди.

Тадбирда муайян мавзу доирасидагина фикр юритилмади. Балки кун тартибига расман кiritилмаган бўлса-да, муҳокама

этилган масалага бевоқифлик бўлган, иштирокчилар фаолияти учун бирламчи аҳамият касб этадиган мавзулар ҳам эъти-

бордан четда қолмади. Бу эса семинарнинг жони ва ишчан руҳида ўтишига туртки бўлди.

«Фуқаролардан одам савдоси қурбон бўлгани тўғрисида маълум тушунида маҳалла фуқаролари йигирининг вазифалари» мавзусига бағишланган бу тадбир Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва унинг пойтахт бўлими томонидан ташкил этилди. Унда юқорида қайд этилган давлат органи ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари, жамғарманинг пойтахт туман бўлимидаги раҳбарлари ҳамда бош мутахассислари, маҳалла фуқаролари йигиналари раислари, маслаҳатчилар ҳамда посбон-сардорлар иштирок этдилар.

ХУКУҚ > [6]

Тинчлик — бебаҳо неъмат

ОСОЙИШТА ЮРТИМИЗГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамоллигида мамлакатимизни модернизация қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Халқимиз эришаётган муваффақиятларда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, тотувилик ва ҳамжиҳатлик муҳити муҳим омили бўлаёттир.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Мирқомил МИРФАЙЗИЕВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбирига эл-юртимиз тинчилиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, Янги йил байрамига тайёргарлик борасида ички ишлар идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди.

— Бунёдкор халқимиз ҳар доим тинчлик, фаровонлик ва адолатга интилиб келган, — дейди М.Мирфайзиев. — Кўпмиллатли халқимиз тотув ҳаётининг асосий омили манфаатларнинг муштараклигидир. Энг катта бойлигимиз бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, ошди ҳаётини таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур ҳис этадилар.

Юртимизда тинч, обод ва фаровон ҳаётни барпо этиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бу жараёнда ички ишлар идоралари ходимлари зиммасидаги улкан масъулиятни бекам куёт адо этиши муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Янги йил тадбирларининг жойларида юқори савияда, муносиб ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган бир пайтда вазирлигимиз томонидан бу борада кенг қамровли чора-тадбирлар ички амалга ошириляёттир.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, пойтахтимиз, шаҳар ва туманлар марказларида — байрам ўтадиган барча ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фақулодада ҳодисаларнинг олдини олиш, аҳоли тинчилигини, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳаракати хавфсизлигини қатъий назоратда олиш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда. Бағиланган тадбирларни амалга оширишда, энг аввало, бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳалла фаоллари кўмагидан кенг фойдаланилмоқда.

СПОРТ > [8]

Жамоатчилик назорати

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусида тўхталиб: «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш фурсати етди», дея таъкидлади.

Назарда тутилаётган қонун давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратилишига қаратилган ҳамда Юртбошимиз томонидан алоҳида қайд этилди. Бу фуқаролик жамияти қуриш йўлида дадил одимлаётган ҳокимиятнинг кўнгилдаги гап.

Дарҳақиқат, турли йиғилишларда, ҳисоботларда «Жамоатчилик назорати», деган ибора ишлатилган. Бироқ унинг қонуний асослари етарли бўлганига назорат таъсири ва самарасини тегишли равишда баҳолаш мумкин эмас.

Маълумки, жамият равақи, Ватан истиқлоли, халқ манфаатлари учун қабул қилинаётган қонунлар ижросини тўғри таъминлаш, унинг барча учун бирдай эканлигига амада эришиш мўҳим аҳамиятга эга. Қонун барча учун баробар бўлмас экан, унинг қиммати йўқолади, фуқаролар ўртасида ишончсизлик туғилади. Қонунларнинг тўла кучга кириши учун ҳам жамоатчилик назорати зарур. Қабул қилинажак қонун эса

ана шу назоратнинг кучли, самарали бўлишига пойдевор яратди, албатта.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизда амал қилаётган барча қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, ижро интизомининг назорат қилиш, назорат масаласида кенг жамоатчилик фикрига таяниш маҳаллалардан бошланади. Чунки жамиятнинг барча аъзолари маҳаллаларда истиқомат қилади. Барча қонун ҳужжатлари маҳаллалардан бошлаб амалга оширилади. Қайси қонун ёки қонун асосидаги ҳужжатларни ким, қандай бажармоқда, ким унга амал қилапти, бу ҳам маҳалла аҳлига қафдағидек аён.

Кулбаишпоён қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 13 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 39300 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шунингдек, йиғин ҳудудида «Гулбод», «Наврўз» машина трактор парклари, Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ишлаб чиқариш бирыашмаси Самарқанд филиали, «Стеклопластик» очиқ ҳиссадорлик жамияти, «Гулбод мейбель» ишлаб чиқариш корхонаси, 9

та умумтаълим мактаби, 9 та мактабгача таълим муассасаси, 5 та ҚВП, юздан ортиқ фермер хўжалиги фаолият олиб бормоқда. Савдо ва маънавий хизмат соҳаларида кўплаб дўконлар, салонлар ишлаб турибди. Бундай ўйлаб кўрадиган бўлсак, бизнинг ҳудудимизга алоқадор бўлмаган қонуннинг ўзи йўқ. У маориф, тиббиёт соҳасида бўладими, санитария, экология бўйича бўладими, кўйингики, барча-барчаси йиғин ҳаёти билан chambarchас боғлиқ. Шунинг учун, барча қонун ҳужжатларининг маҳаллий ҳокимиятлар қарорлари асосида ижро этилишини таъминлашга, ана шу жараён устидан маҳаллаларда ташкил этилган махсус комиссиялар назоратини ўрнатилишига эришилган. Бу борада айрим мисолларни келтириб ўтсак.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати 2009 йил 27-мартда «Инқирозга қарши чораларнинг 2009—2012 йилларга мўъалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулияти тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ушбу ҳужжат асосида вилоят ва туман ҳокимликлари ҳам тегишли қарорлар қабул қилган. Унинг ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллалар фаоллари аҳоли ўртасида, жамоат жойларда жаҳон иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсир этмаслиги учун, ав-

вало, самарали ишлаш, мавжуд ҳар қарич ердан, томорқадан унумли фойдаланиш, маҳаллий ишлаб чиқаришни кучайтириш лозимлиги тўғрисида давра суҳбатлари, семинарлар уюштирилди. Айни пайтда ҳам маҳаллаларда фаолият юритаётган ишчи гуруҳлари ҳар бир хонадонга тегишли томорқадан фойдаланишнинг аҳолини ўрганишда, амалий ёрдам кўрсатишда, лозим бўлганда чора кўриш таклифларини беришда давом этмоқда. Ташкилотлар, корхоналарга тегишли ерларга нисбатан ҳам ана шундай талаблар қўйилмоқда.

Маҳаллаларда фаолият юритаётган ишчи гуруҳлари тақдим этган маълумотларга кўра, айни пайтда фуқаролар йиғинимиз ҳудудидаги 6305 та хонадон ихтиёрида 619,24 гектар ер майдони мавжуд. Шундан 423,82 гектари экин экиладиган майдонлар. Ана шу майдоннинг ҳар қаричига нима экилган, экиннинг ривожланиши қандай, қанча ҳосил олинмоқда, қолганига нима, қачон экилади — ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Дарҳақиқат, бу ишни фақат маҳалла орқали қилиш, ижроси устидан маҳалла воситасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш мумкин.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги «Аҳоли пунктларининг комплекс қурилишида шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари қатъий бажарили-

шни назорат қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси ҳам жамоатчилик назоратига олинган. Ушбу қарорлар асосида бир қатор иморатлар байроқонуний қурилганлиги сабабли бузилиди ёки қурилиши тўхтатилади.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, одам савдо-сининг олдини олиш сингари қатор долзарб вазифаларни ҳам бажариб келмоқдамизки, бундай кенг кўламадаги фаолиятни жамоатчилик кўмаги, назоратисиз тасаввур қилиш қийин. Бу масалада «Талибарзу боло», «Талибарзу поён», «Қозикўрғон», «Рованак», «Анджон», «Янгиарик» маҳалла фуқаролар йиғинлари жонбозлик кўрсатишмоқда.

Жамоатчилик назоратининг қонуний асосга эга бўлиши бу борадаги ишларнинг самарадорлиги ошишидан, жамият аъзолари серкалиги кучайишидан, қонунларга сўзсиз амал қилиш кўнкмаси шаклланишидан дарак беради, албатта. Мукамал қонунлар яратилган ва қонунларни оғишмай ҳаётга татбиқ этиётган, ана шу жараённи изчил назоратта олган жамиятда эса ривожланиш давом этаверади.

Ақобир УМАРОВ, Самарқанд туманидаги Кулбаишпоён қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Жой номлари — қадриятлар тимсоли

ТОПОНИМДА ТАРИХ МУЖАССАМ

Бухоро шахрининг шарқий қисмида Ширбурдин қишлоқ фуқаролар йиғини, шу ном билан аталадиган кўча мавжуд. Собиқ шўро даврида мазкур ҳудуд ўша тузум мафкура-сига хизмат қилган Рыков сингари ҳеч ким танимайдиган, бирор марта бу жойларга қадами тегмаган шахслар номи билан ата-тилди келди.

Аслида Ширбурдин қишлоғининг тарихи бир неча йилларга бориб боғланади. «Шир» сўзи «сир» этнонимининг ўзгарган шакли бўлиб, у тарихий туркий қавмининг номидир. «Будун» эса эски ўзбек тилида «халқ», «эл» деган маънони билдиради. Агар сир қавми тарихи эраимиздан аввалги даврларга бориб тақалиши инобатга олинса, Ширбурдинда азал-азалдан ўзбеклар умрғузларонлик қилгани ойдинлашади.

Халқ тарихи, ўтмишининг ўзига хос аъёнларини ақс эттирувчи воситалардан бири топоним — жой номлари ҳисобланади. Етмиш йил давом этган истибод даврида кўҳна Бухородаги ақсарият кўчалар, гузарлар номи «ўтмиш сарқити» тамғаси остида ўзгартirilган эди. Чунончи, «Чорминор», — Калинин, «Чашмаи Айюб» — «Пятилетка», «Тупхона», — «Пионерская», «Гулбод» — «Советская Бухара» тарзида «замонавийлаштирилган».

Қадимий топонимларда ўша ҳудуддаги аҳолининг этник тарихи, ўзига хос урф-одатлари, турмуш тарзи, қасбу қори ақс этади, — дейди топонимик объектларга ном бериш ишларини мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси аъзоси, филология фанлари номзоди Байрамали Қиличев. — Хусусан, вилоятимиздаги «Араблар», «Урганчи» каби жойлар номири бир пайтар юртимизга кўчи қалган кишилар шу ерда макон тутишгани билан изоҳланса, «Чандир», «Саёт» топонимлари ўзбек халқининг қадимги уруғлари номири саналади. Қолаверса, Бухоро шахрида кўп учрайдиган қасб-хунар билан боғлиқ «Дегрезни», «Чўпбор», «Камонгар», «Оҳонгарон», «Қосагарон», «Совунгарон» каби жойлар шу ерда яшовчи аҳолининг муайян қасб-хунар билан шуғулланганини англатади. Айни пайтда юқорида қайд

этиланган жой номири қайта тикланиши баробарида, шаҳарда янгидан ташкил этилган маҳаллалар, кўчаларга маънавийтимиз ва маданиятимиз белгилари билан боғлиқ номири қўйилмоқда.

— Мен истиқомат қилаётган кўча илгари Свердлов деб юртиларди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлини масъул котиби Мунира Азимова. — Аммо болалгимда қариялар бизнинг кўчани негадир Мирдўстим, деб аташарди. Кейин билсам, Мирдўстим XVI асрда шу кўчани ташкил қилган, ёшлар таълим-тарбияси йўлида бир неча мадраса қурдирган, ўша пайтда тоза ичимлик суви танқис бўлган шаҳарда янги ҳовузал қаздириб, гузарлар номи «ўтмиш сарқити» тамғаси остида ўзгартirilган эди. Чунончи, «Чорминор», — Калинин, «Чашмаи Айюб» — «Пятилетка», «Тупхона», — «Пионерская», «Гулбод» — «Советская Бухара» тарзида «замонавийлаштирилган».

Дарҳақиқат, бутунги кунда Бухоро шахридаги 65 та маҳалла, 289 та кўча номи тарихий ҳақда миллий истиқлол воқеасига ном билан атамоқда. Ёш авлодга жой номларининг маънавий-ятимиздаги ўрни ҳақида маълумот бериш, бутун қадимийлиги боис маъносини бироз тушунарлиқ тушулган топонимлар изоҳи билан таништириш мақсадида «Маҳалла» жамғармаси Бухоро шаҳар бўлини масъул котиби Мунира Азимова билан «Бухоро шаҳар маҳаллалари, фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги қўчалар, аҳоли пунктлари ва маданий оқартув марказлари номири» рисоласи наشر этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жой номларига эътибор маънавиятга, ўз навбатида маънавиятга эътибор — келажакка эътибордир.

Ақбар РУСТАМОВ, «Mahalla» мухбири.

Жамғарма кўмағида

ҲАМИША МЕҲР ВА САХОВАТ БИЛАН

«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Сурхондарё вилояти бўлими томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмак бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тадбирлари изчил амалга оширилиб келинаётган.

Ўтган давр мобайнидаги шодиёна кунлар арафасида вилоят маҳаллаларидаги кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронлар, ёлғиз қарияларга жамғарма ҳамда ҳомийлар ҳисобидан жами 101 миллион сўмлик мурувват ёрдами кўрсатилди. Хусусан, 76 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол ҳада қилиш учун жамғарма ҳисобидан 70 миллион сўм маблағ ажратилди.

Хайит байрами муносабати билан 3452 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилага 152 миллион сўмлик, «Меҳрибонлик» ҳамда «Мурувват уйлари»га эса 5,7 миллион сўмлик кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотларини тарқатилди. Вилоятдаги 12-сонли «Меҳрибонлик уйи»га 2,5 миллион сўмлик кийим-кечак ва спорт жиҳозлари олиб берилди.

«Маҳалла» жамғармаси Денов тумани бўлини масъул туман ҳокимлиги билан ҳамкорлик-

да «Барқамол авлод йили» Давлат дастурига асосан жорий йилда 210 та кам таъминланган оила фарзандларининг суннат ва никоҳ тўйларини ўтказиб берди. Яқинда яна 4 нафар кам таъминланган оиланинг фарзандлари шундай ижтимоий ҳимоядан баҳраманд бўлди. Тўйболавлар номига омонат дафтarchалари очилиб, ҳар бирига 200 минг сўмдан маблағ ўтказилди. Шунингдек, уларга ҳомийларнинг эсдалик совғалари ҳам топширилди.

Таъкидлаш жоизки, маҳалла фаолларининг кучи билан тўй ва маъракалар камчиқим, тартибли ўтмоқда. Яқинда «Холлаёв» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган тўртта кам таъминланган оилага, ҳомийларни жалб қилган ҳолда, биттадан қорамол ҳада қилинди.

«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлини масъул

томонидан маҳаллалардаги боқувчисини йўқотган, ногирон, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бўлини ташаббуси билан жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 28 нафар кам таъминланган оилага 4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, «Барқамол авлод йили» Давлат дастурига асосан, имконияти чекланган 7 нафар ўқувчига компьютер жамланмаси тақдим этилди.

Яна бир хушхабар. Республикаминг Конституцияси қабул қилинган кунининг 18 йиллиги муносабати билан бўлинига ҳомийлигида кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган 4 нафар йиғит ва қизнинг никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. «Олимлар», «Қудуқбоши», «Умид», «Бешкапа» маҳаллаларида истиқомат қилувчи ёш келин-куёвлар туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлини масъулнинг совғалари — музлаткич ва рангли телевизорга эга бўлишди.

«Маҳалла» жамғармасининг Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани бўлини масъул



Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидида Бухоро вилоят ихтисослаштирилган мактаб-интернатда мусиқа, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида 184 нафар ўқувчи таълим олади. Замонавий шарт-шароитга эга ушбу масканда 2-9 синфлар ҳажмида давлат таълим стандартлари ва танланган махсус мутахассислар бўйича билим берилади. Бу ерда фаолият кўрсатилган эллика яқин ўқитувчининг 6 нафари Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси.

Рассомлик, миллий ва замонавий чолғу асбоблари ижрочилиги, миниатюра, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, зардўзлик, дизайнчилик, каштачилик бўйича сабоқ олаётган мактаб-интернат ўқувчилари ўз иходий ишлари билан вилоят, республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда, санъат ҳафталиклари ҳамда фестивалларда фаол қатнашиб келмоқда.

СУРАТА: мактаб-интернатнинг 8-синф ўқувчиси Дилноза Мирзаева.

Тоҳир Истатов (ЎЗА) олган сурат.

Томорқа — хонадон хазинаси

АШИР ОТА АНОРЛАРИ СЕРҲОСИЛ

Ашир ака Жуманиёзов асли Хива туманининг Қиёт қишлоғидан. Тақдир тақозиси билан бундан қирқ йил муқаддам Урганч туманининг Чотқўпир қишлоғига келиб қолган. Бунинг ўзига яраша тарихи бор. Ҳозир гап бу ҳақда эмас. Гап қаҳрамонимизнинг бугунги кундаги юмушлари ҳақида. Юмушларки, унча-мунча одамнинг ҳавасини келтиради.

— Бундан анча йиллар муқаддам қишлоқ аҳолисига қўшимча томорқа ерлари ажратилиб берилган, — дейди суҳбатдошимиз Ашир Жуманиёзов. — Мен ҳам биринчилардан бўлиб ер олдим. Бизларга томорқа қилиб берилган ерлар аввалдан фойдаланиб келинган бўлса-да, фақат макжажўхори бўлиб, беда экиларди. Мен асли Хивадан, анорчилар маҳалласидан бўлганим боис, бу ерда бот ташкил қилдим. Хивадан анор кўчларини, қаламчаларини келтириб ўтказдим. Аввалига 15-20 та кўчат ўтказиб, ҳосилдан баҳраманд бўлдик. Кейин бу

боғни кенгайтиришни ўйладим. Бу ишни ҳам аста-секин амалга ошириб, анорлар юз тупга етди. Ҳозир шунинг тенг ярми ҳосил беради. Ҳар бир туп анордан ўртача 20 килодан 45 килограмга ҳосил олам. Бизнинг Хоразм, хусусан, Говуқ қишлоғи анорлари жуда ҳосилдор, меваси катта, пўсти юкка ва ширали бўлади. Анорлар орасида чойнақдай келадиганлари ҳам бор: биттасидан нақ бир коса шарбат чиқади. — Ҳосил-ку, тушунарли, сир бўлмаса, даромад қандай бўлади? — сўраймиш ундан. — Тўғриси айтсам, мен фақат даромадди ўйлаб меҳ-

нат қилмапман. Худога шукр, болаларим воёга етган, топарман-тутарман. Юқорида мен асли анорчилар қишлоғиданман, деб айтгандим. Дўстларим, қариндош-уруғ, қўшинларимнинг қистови билан боғни барпо этишга киришдим. Боғимда меҳнат қилсам роҳатланаман. Ҳосилнинг чўйи об-ҳавога ҳам боғлиқ экани маълум. Кейин меҳнат-машаққат дегандай... Мен анорлардан ўртача 1,5-2 тоннагадан, айрим йиллари 3 тоннадан ошириб ҳосил олам. Уйда болаларга киши билан егулик анорни қолдириб, қолганини шу ернинг ўзида кўтарасига сотиб нобораман. Миջозларим етарли. Қолаверса, маҳалламиздаги қарияларга, беморларга, кўп болали оилаларга ҳам мевалардан илминами. Даромад эса, ҳар ҳолда, ёмон эмас.

Ашир ақанинг ёши олтинмишдан ошган. Пенсияни олиб, уйда оёғини узатиб ётса, у неваралари билан овуниб,

фарзандлар эъзозиде юрса ҳам бўлади. Аммо у: «Олтинмишдан ошганим билан кўчдан қолган жойим йўқ, шундай экан, нега энди қарилкини ҳозирданоқ бўйнимга олишим керак!» дейди. — Меҳнат қилган, тоза ҳавода кўп юрган касал ҳам, камбағал ҳам бўлмайди, — деди ишонч билан қаҳрамонимиз.

«Гардонлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ислам Жуманиёзовнинг айтишича, ҳудуд аҳолиси бир қарич ерни ҳам бўш ёки қаровсиз қолдирмайди. Рўзғор учун зарур экинлар ҳар бир хонадон томорқасида бор. — Айниқса, қўшимча томорқадан оқилона фойдаланиш япти, — дейди оқсоқол. — Кўпчилиги кўзда бўғудой экиб, оиласига келгуси ҳосилгача етгудай фалла жамғарилмади. Унинг ўрнига шолани кўчатилаб, ундан ҳам оиласига йил давомида етгудек шол олишади. Бу йил саба-

вот, полиз экинлари экканлар кўп бўлди. Боғлар ҳам кўпайиб қолди. Бундан ташқари, маҳалламизда паррандабоқарлар сулоласи ҳам бор. Айримлари хусусий инкубаторда жўжа чиқариб сотишади. Бу ҳам ишсизликнинг олдини олиш, қўшимча даромад қилишда жуда қўл келяпти.

Ҳа, қаерда аҳилик, ўзара ҳурмат, оқибат бўлса, ўша ерда, албатта, қўт-баракат, тўжин-сочилик бўлади. Буни Урганч туманининг Чотқўпир қишлоғи «Гардонлар» маҳалласи мисолида кўрса бўлади. Маҳаллага қачон меҳмон бўлиб келсангиз, албатта, тўйнинг устидан чиқасиз. Ҳатто айрим пайтларда тўйлар кўпайиб кетиб, бир кунда учта-тўртта хонадондан мусиқа садолари янграйди. Бу тўжинлик ва тинчликнинг шафратидан, албатта.

Оллаёр ҲОЖИЗОДА, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси аъзоси.

РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА ЙЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда маънавий-маърифий йўналишда муайян ислохотлар амалга ошириляпти. Бу соҳада ўтказилаётган таъсирчан тадбирлар ва маҳалла ҳамкорлигини амалга оширишдан мақсад ўсиб келаятган ёш авлод-ни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида камолга етказишдан иборатдир.



Яқинда Фарғона шахрида ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. «Энг фаол маънавият тарбиботчиси» танлов иштирокчилари Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асариде белгиланган устувор вазифалар моҳияти ва аҳамияти, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёт

ноялар таъсирига тушиб қолмасликларининг олдини олишга доир фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Танлов жараёнида маънавият тарбиботчиларининг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги билими, юртдошларимиз, айниқса, ёшлар ўртасида маърифий тарбибот ишларини олиб бориш кўнкмаси ҳам

синовдан ўтказилди. Танлов якунида Кувасой шаҳрининг Усмон Юсупов номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Т.Уринбоев гоилиб деб топилди ва танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритди. Азамат МАҲМУДОВ, «Mahalla» мухбири.

Намунали маҳалла

ХАЙРЛИ ИШНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

— «Арабхона» маҳалласи энг намунали маҳаллаларимиздан бири, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Қарши шаҳар бўлимаси бош мутахассиси Юлдузхон Равшанова. — Маҳалла ахли иноқ, аҳил яшайди. Ҳаммаси ташаббускор, тадбиркор. Кўплашиб, биргаллашиб маҳаллани обод қилишяпти. Бир неча йиллардан буён бу маҳаллада жиноятчилик нари турсин, ҳатто майда безорилик ҳам кузатилмаган. Оилавий ажримлар ҳам йўқ ҳисоби.

Юлдузхоннинг тинглаб туриб, шу маҳаллада яшовчи бир онахоннинг гаплари ёдимга тушди: «9 фарзанд кўрдим. 5 нафари касалмад бўлди. Умри қисқа экан, оламдан ўттиди. Э, не нам-аламларни кўрдим. Ҳозиргилар тўғри қилишди, 2 ёки 3 нафар фарзандни дунёга келтириб, уларнинг соғлом ўсиб, камомини кўришга нима етсин?»

Маҳалла борганимизда онахоннинг гаплари маҳалла маслаҳатчиси Мақсад опа Тўйева ҳам тасдиқлади: маҳалладаги турмуш ёшдаги аёлларда ҳар бир туғруқ оралиги 3-4 йил бўлишга эришилган. Шунинг ўзи бир неча муаммоларнинг ҳал бўлишига туртки берди. Аввало, аёлларнинг соғлиғини тиклаб олишлари, соғлом фарзандни дунёга келтириб, уни бекаму кўст воёга етказиши учун шарт-шароитлар яратди.

Яна бир жиҳати, турли оилавий можароларга чек қўйилди. Аслида келинмовчилик етишмовчиликлардан, аёлининг уй юмушларини, фарзандлар ташвиши билан ўралашиб қолишдан кеиб чиқади. Энди эса аёлининг юмушларини саранжом-сарништа қилиши, ўзига, турмуш ўртовига эътиборли бўлиши учун имконияти ҳам, вақти ҳам етарли.

Маҳалла фаолларининг хонадон-ма-хонадон кириб, хотин-қизлар ўрта-сида турли мавзуларда суҳбатлар олиб бораётгани эса аёлларни янада ўзла-рига, соғлиқларига эътиборли бўлиш-га ундаш баробарида, уларни зукко, билимдон, гўзал фазилатли, мадани-ятли уй бекалари бўлишга рўзгор

юритишларига ҳам катта ёрдам бер-моқда. Маҳалланинг ибратли жиҳат-ларидан яна бири каттаю-кичикнинг иш билан таъминланганидир.

— Илми, хунари аёллар турли ташкилот ва муассасаларда ишлайди. Қолганлари эса паррандачилик, чор-вачилик билан шуғулланишади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Исроил Рамазонов. — «Чилонзор» паррандачилик инкубатори фирмаси маҳалламизда жойлашган. Аҳоли бу ердан арзон нархларда жўжа сотиб олиб боқсади. Ҳақиқатан ҳам, Қарши шаҳри бозорларини парранда гўшти ва тухум билан «Арабхона» маҳалласи таъминлайди. Бундан ташқари ҳар бир хонадоннинг 4-5 тадан қорамоли, 10-15 тагача қўй-қўзиси бор. Шунинг ор-қасидан рўзгори бут, турмуши фаро-вон. Соф табиий жуддан тайёрлана-диган машхур араби тиламларини ҳам арабхоналик қиз-жувонлар тўқийди. Демократик, хотин-қизларнинг де-ярли бўш вақти бўлмайди. Момолар жун титиб, йигириб беришса, қиз-жу-вонлар тайёр маҳсулотларни бўяб, ха-ридоргир тиламлар тўқийди.

— Қайси хонадонга кирманг, ара-би тиламларимиз зеб бериб тургани-ни кўрасиз. Ҳам иссиқ, нам ўтмайди, ҳам уйнинг кўрки, — дейди 92 ёшли Баҳри момо. — Бозорда ҳам жуда ха-ридоргир.

Кейинги йилларда маҳалла янада чирой очиб, кўркамлашиб бормоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинининг ташаб-буси билан биргина шу йилнинг ўзида бир ярим минта яқин мева ва ман-зарали дарахтар ўтказилди. Қабристон-даги хонақоҳ атрофи боғга айланти-рилди. 3 км. йўл асфальтланди. Кам таъминланган оилаларга ҳар байрамда совға-саломлар улашмиди. Тадбиркор-лар ҳамда фермерларнинг кўмаги бил-ан ёлғиз қариялар, ногиронларга мо-дий ёрдам кўрсатилади. Бугунги кунда икки қаватли, замонавий гулу гулзорга айланган маҳалла гузари одамлар бил-ан гавжум. Ҳамша хайри тадбир ёки яхши бир учрашувнинг устидан чиқа-вон. Кимнингдир муаммоси ёки бирор-бир ташвиши бўлса, маҳалла фуқаро-лар йиғини қўлаб юборади. Фуқаро-лар йиғинидаги доимий комиссиялар фаолиятини одамлар ҳар дақиқада ҳис-этиб турадилар. Уларга суянишди, ишо-нишди. Сабаби бирор-бир муаммо ечимласдан қолмайди. Кўлаб фуқаро-

Етти хазинанинг бири ҚЎШИМЧА ДАРОМАД — РЎЗФОРМИЗ БАРАКАСИ

Етти хазинанинг бири сифатида эътироф этил-ган паррандачилик ҳақида гап кетганда кейинги йилларда бу соҳага алоҳида эътибор берилаёт-ганлигини таъкидлаш жоиз. Айниқса, товук пар-вариишларига ихтисослашган оилавий тадбиркор-ларнинг сони кун сайин ортиб бормоқда. Буни биргина бешкапаллик Олимбой Жалилов саъй-ҳара-кати мисолида кўриш мумкин.

У паррандачилик билан шу-ғулланишни кўпдан бери кўнглига тугиб юрарди. Шу мақсадда 2 та хонани ажратиб, замонавий талабларга мос ра-вишда жўжа боқишга мослаш-тирди. Соҳа мутахассиси бил-ан маслаҳатлашиб, йўл-йўриқ ўрғанди. Ниҳоят, имтиёзли кре-дит олиб, 1100 та жўжа олиб ке-ди ва ўзининг оилавий пар-рандачилик фаолиятини бош-лади. Ҳозирда тадбиркорга тур-муш ўртоғи Нодирхон ҳамда фарзандлари яқиндан ёрдам бе-риб келишмоқда. Натияжа чак-ки эмас: икки ой аввал иш бош-лаган Олимбой бугун-эрта яна 1000 та жўжа оламоқчи. Даро-мад ҳам шунга яраша-да. Шун-дай қилиб, оилавий тадбиркор-лар сони яна биттага кўпайди.

— Товуқни етти хазина-нинг бири дейишганча бор экан, — дейди Учқўрғон туман-идаги Навоий номи маҳалла-да яшовчи фермер Мухтор-жон ака Бобохожиев. — Оила-мизда невараларни қўшиб ҳисоблаганда йигирма киши яшаймиз. Ҳовлимизнинг бир чеккасига мўъжазгина товўқхо-на қурганман. 20-25 та товўқ узилмайди. Бу — кунига 10-15 тага тухум нақд деганидир. Тўғриси, паррандани бу бари-кани кўриб, фермер хўжали-гимиз шийлоғида ҳам каттаги-на товўқхона ташкил қилган-миз. Ҳозир бу ерда 100 тадан ор-тиқ парранда боқилмоқда.

Мухторжон акага ўхшаган тадбиркорларни Наманганнинг барча маҳаллаларида учратиб кўриш мумкин. Айниқса, бу борда олиб борилаётган тарбия-товуқчилик ишларида сўнг ҳар бир хона-донда парранда боқиш кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

— Товуқни етти хазина-нинг бири дейишганча бор экан, — дейди Учқўрғон туман-идаги Навоий номи маҳалла-да яшовчи фермер Мухтор-жон ака Бобохожиев. — Оила-мизда невараларни қўшиб ҳисоблаганда йигирма киши яшаймиз. Ҳовлимизнинг бир чеккасига мўъжазгина товўқхо-на қурганман. 20-25 та товўқ узилмайди. Бу — кунига 10-15 тага тухум нақд деганидир. Тўғриси, паррандани бу бари-кани кўриб, фермер хўжали-гимиз шийлоғида ҳам каттаги-на товўқхона ташкил қилган-миз. Ҳозир бу ерда 100 тадан ор-тиқ парранда боқилмоқда.

Мухторжон акага ўхшаган тадбиркорларни Наманганнинг барча маҳаллаларида учратиб кўриш мумкин. Айниқса, бу борда олиб борилаётган тарбия-товуқчилик ишларида сўнг ҳар бир хона-донда парранда боқиш кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Биргина Чортоқ туманида йил бошидан буён паррандачи-ликка ихтисослашган олимга фер-мер хўжалиги ташкил этилди.

Жамшид БЕК, «Mahalla» мухбири.

«Устоз-шогирд» аънанаси ҲУНАР ЭЪЗОЗ КЕЛТИРАР

— Исмоил Ҷигирмадўзни Урганчу Хивада кўпчи-лик ҳурмат билан ёдга олади. Мен шу инсоннинг еттинчи келиниман, — дейди урганчлик тадбир-кор Қамарпошша Аллакулиева. — Отам ва қайна-там кадрдон дўст бўлишгани боис бу хонадонда-гилар хунарлари орқасидан элда ҳурмат ва эъзоз топган кишилар эканидан яхши хабардор эдим. Узим болагилардан аёллар дўпписи тикиш билан шуғулланганман.

Келин бўлиб тушганимдан кейин аввало қизиқиб қолавер-са, оилавий ҳунармандчилик аъ-нанасини давом эттириш мақсади-да норқа ва қоракўдан бош ки-йимлари, қўлоқчинлар тикишни пухта ўзлаштиришга аҳд қилдим. Ҳозирги кунда «Устоз — шо-гирд» мактабини очиб, маҳалла қиз-ларига бош кийимлар тикиш сир-асрорларидан сабақ беришман.

Хоразмда илгари нафақат қишлоқнинг изиринида, балки иссиқ кунларда ҳам табиий йўнали бош кийимлар кийил-ган. Улар иссиқ ҳавода кишини салқин, қишда эса иссиқ тутган. Шунингдек, экологик жиҳатдан безарар ҳисобланган.

Бугунги кунда опа ўз бил-ганларини 12 нафар шогирдини ўргатиб келмоқда. «Устоз — шо-гирд» мактабида бир йил ўқиб, хунар ўрганган қизларга махсус ҳужжат берилади. Мехр билан хунар ўрганиб, кейин катта иштиёқ билан мустақил ишнини йўлга қўйиб олган шогирдининг доимо рўзгори тўқин бўлади.

— Боярқани уч кунда, ку-бангани икки кунда, Ҷигирмени эса бир кунда тикиб битириш мумкин, — дейди Қамарпошша опа. — Уларнинг бозори чақ-қон. Бу хунарни ўрганган қиз-ларнинг қанча даромад қилишни шундан келиб чиқиб ҳомчўт қилишнинг мумкин.

— Ҳозир ҳам Ҷигирмага та-лабгирлар топиладими? — сўрай-миз оладан.

— Албатта, бёғларимиз кийган бу бош киймага ҳозир ҳам талабгир бор. Асосан, кек-са ёшдагилар Ҷигирмени жуда

тиқдим ипақлари тилодан» кўрик-танловининг вилоят бос-қичида қолиб қўлга киритиб, республика босқичида иштирок этдим. Мамакатимиз-да ёшларга яратилган катта им-кониятлар ҳар биримизга ўз иқтидоримизни намоеён этиш учун куч ва қанот баянлашди. Эталлаган билим ва кўникма-ларим ҳамда устозим масаҳатига таянган ҳолда, ўз мустақил ишимни бошлаш, бошқаларга ҳам бу хунарни ўргатишни мақ-сад қилганман.

Қамарпошша опа, шунинг-дек, хоразмча тангал тахта ти-киш билан ҳам шуғулланади. Бунда, асосан, тарихий бош ки-йимлардан нусха олиш ва улар-га замонавий услубда жило бе-ришга ҳаракат қилади. Эскидан қолган бир гап бор: ҳеч бир иш қўлингдан келмаса, яъни бирор ишда муваффақиятга эришолмасанг, опа-бобонг қилган хунар билан шуғуллан, албатта, омадинг келмади. Қамарпошша опа ҳам ишни аводдан аводга ўтиб келаятган хунарни меҳр бериб ўрганишдан бошлади.

— Бувим 105 ёшга кирган пайларда ҳам дўшти тикиб ўти-радлар, — дейди суҳбатдошимиз. — Ана шу ҳолат бир умр кўз ўнгимда гавдаланиб туради. Бу эса, ўз навбатида, хунарни эъзозлаш, уни бошқаларга ўрга-тиш ва ҳаётимизнинг янада гўзал ва фаровон бўлиши учун инти-лишга ундайверади.

Ҳозирда Қамарпошша опа-нинг коллежда ўқийдиган қизи Озодаҳон ҳам бобомерос хунари-нинг сирларини ўрганиб кел-моқда. У ҳам сулола ишини да-вом эттиришни ният қилган.

Хунар — битмас-туганмас бойлик. Уни ардоқлаган, унга меҳр берган инсон борки, эҳди ақри. Қамарпошша опа бу ҳақ-матни ўз шогирдларига тиним-сиз уқитиришдан чарчаймайди.

Феруза ЭГАМОВА, «Mahalla» мухбири.



Пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган «Шофайзбоб» маҳалласи шахримизнинг обод гушларидан бири. Бу ерда ҳозирда 467 та хонадонда 4000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Йилнинг ҳудудига ободонлаштириш ишлари кенг кўламада амалга оширилмоқда. Шу билан бир қаторда маҳалла ёшлари бўш вақтини мазмунли ўтказишлари учун яқинда спорт зали ташкил қилинди. У ерда болалар мактабдан кейин спортнинг бир неча тури билан шуғулланади.

СУРАТДА: Оқсоқол Жўрабек Сойлов (чапдан биринчи) маҳалла фаоллари билан.

ЭЛ КОРИГА КАМАРБАСТА

Тошкент вилояти Бекобод туманидаги Маданият қишлоғи тумандаги энг йирик фуқаролар йиғинларидан бири. Қишлоқда сўнгги йилларда эътиборга молик ишлар амалга ошириляётир. Айтиш жоизки, адо этилаётган ҳар бир хайрли юмушда йиғин раиси Собит Тобшоевнинг ҳиссаси бор.

Раисни маҳалладошлари хур-мат қилади, гапларига қўлоқ ту-тади. У бундай обрў ва муваф-фақиятларга осонликча эришган йил йўқ. Зеро, бунинг ортида одамлар кўнглига йўл топши, ти-нимсиз меҳнат, қолаверса, қишлоқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдек мақсад ётибди.

С. Тобшоев олий ўқув юртини тамомлаб, мутасадди ташкилотлар-да фаолият юритди. Яқинда унинг ташаббуси билан қишлоқ аҳолиси манфаати йўлида яна бир савобли иш амалга оширилади. Хусусан, унинг саъй-ҳаракати туфайли ҳудуднинг «Хайбаткул» даҳасига оқар сув олиб келинди. Шунинг-дек, оқар сув канали икки бара-варига кенгайтирилди. Қишлоқдош-ларнинг мушкулани осон, овир-ни енги қилишга интилиб яша-

Энг муҳими, ҳар бир фуқаро эга, қишлоқ ҳудудига сув келтирган Со-бит Тобшоев. — Қишлоғимизда истиқомат қилаётган боқувчиси-ни йўқотган, кўп болали ва кам таъминланган оилалар рўйхати ту-зилган бўлиб, уларга шодёна кун-ларда совға-саломлар улашмиди. Қолаверса, уларнинг ариза ва му-рожатлари махсус комиссия то-монидан ўрганиб чиқилди ва ни-

зомада белгиланган тартибда мо-дий ёрдам кўрсатилади. Дарвоқе, ҳудуднинг иқлим ша-ронни қишлоқ хўжалиги, жумадан, пахта, қалма, дугкакали ўсимликлар-ни етиштиришга қулай. Шу боис Маданият қишлоғи аҳолининг акса-рият деҳқончилик, шунингдек, чорвачилик билан шуғулланишади. Собит Тобшоев қишлоқ хўжалиги соҳасида, қолаверса, шахсий томор-қадан унуми фойдаланиш бораси-да яхши тажрибага эга. Аҳоли ўрта-сида тадбиркорликни ривожланти-риш борасида мунтазам тушунти-риш ишларини олиб борагани боис, ҳозирда кўпчилик хусусий тадбир-кор, ишбилармон, фермер.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаро эга, қишлоқ ҳудудига сув келтирган Со-бит Тобшоев. — Қишлоғимизда истиқомат қилаётган боқувчиси-ни йўқотган, кўп болали ва кам таъминланган оилалар рўйхати ту-зилган бўлиб, уларга шодёна кун-ларда совға-саломлар улашмиди. Қолаверса, уларнинг ариза ва му-рожатлари махсус комиссия то-монидан ўрганиб чиқилди ва ни-

зомада белгиланган тартибда мо-дий ёрдам кўрсатилади. Дарвоқе, ҳудуднинг иқлим ша-ронни қишлоқ хўжалиги, жумадан, пахта, қалма, дугкакали ўсимликлар-ни етиштиришга қулай. Шу боис Маданият қишлоғи аҳолининг акса-рият деҳқончилик, шунингдек, чорвачилик билан шуғулланишади. Собит Тобшоев қишлоқ хўжалиги соҳасида, қолаверса, шахсий томор-қадан унуми фойдаланиш бораси-да яхши тажрибага эга. Аҳоли ўрта-сида тадбиркорликни ривожланти-риш борасида мунтазам тушунти-риш ишларини олиб борагани боис, ҳозирда кўпчилик хусусий тадбир-кор, ишбилармон, фермер.

Энг муҳими, ҳар бир фуқаро эга, қишлоқ ҳудудига сув келтирган Со-бит Тобшоев. — Қишлоғимизда истиқомат қилаётган боқувчиси-ни йўқотган, кўп болали ва кам таъминланган оилалар рўйхати ту-зилган бўлиб, уларга шодёна кун-ларда совға-саломлар улашмиди. Қолаверса, уларнинг ариза ва му-рожатлари махсус комиссия то-монидан ўрганиб чиқилди ва ни-

Хислат ТўРАҚУЛОВ, журналист.

ТЕПАЛИКЛАР БАҒРИДА ЎТМИШ САДОСИ

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани «Меҳнатқаш» маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли Қизилқарвон қишлоғи юртимизнинг қадимий гушларидан. Бу қишлоқни ўтган асрнинг йигирминчи, ўттинчи йилларигача «Ингичка поён» номи билан аташган.

Бунинг сабаби қишлоқнинг бир чек-каси дашт ҳудудга, иккинчи чегараси За-рафшон тоғ тизмаларига туташган. Шу боис қишлоқнинг табиати икки хил: бир томони серусв, ҳосилдор ерлар, ҷўла ту-ташган тарофи эса лами деҳқончиликка мос, кўпроқ чорвачиликка ихтисослашган.

Тарихий Эски Инчқар канал бўйида жойлашган мазкур ҳудудда ўтмишдан қолган қўлаб тепаликлар мавжуд. «Эш-монтела», «Ниезтепа», «Омонтела» деб номланувчи тепаликларни қадим ўтмиш-

ийл аввал археологлар томонидан қазиб ишлари олиб борилаётган, бу ердан баъзи тарихий ашёлар топилди. — Қишлоғимиз тарихининг очилма-ган қирралари кўп, — дейди йиғин раиси Авғон Чоршабаев. — Археологлар томонидан «Ниезтепа»да кўпгина тари-хий ашёлар борлиги аниқланди. Тепа-ликдан қишлоқ қафтдадик кўринди.

Қишлоқ яқинида Бударч — қадимги кичик қарвонсарой харобалари ҳам мав-жуд. Кексаларнинг айтишларича, бу жой ўтмишда йўловчи ва меҳмонларнинг хордиқ чиқарадиган маскани ҳисоблан-ган. Ҳудуд тарихий гўша бўлгани боис-дан ерда етук тарихий, илм-фан фицо-йилари етишиб чиққан. Ҳар бир инсон-

нинг катмога етишда воёта етган муҳи-ти катта аҳамият касб этади, албатта. — Қишлоғимиз Тошкент — Термиз йўли бўйида жойлашган, — дейди ма-ҳалла ёшларидан Нурали Нишонев. — Бу ҳам ўз ўрнида ҳудуд ривожига таъ-сир қилмай қолмайди. Мана, кейинги 10 йилни мисол қилиб оладиган бўлсак, маҳалламизда жуда кўп ўзгаришлар бўлди. Жумадан, ёшларнинг билим олишга кенг имконият яратиш мақса-дида мактаб таълимини ривожлантириш дават умумийлиги дастури доирасида янги мактаб биноси фойдаланишга топ-ширилди. Ўқув хоналари зарур жиҳоз-лар билан таъминланди. Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлигида турли спорт ва

ўқув тўғрақлари ташкил этилди. Ав-вали йиллар билан солиштирадиган бўлсак, кейинги пайтда турли олий ўқув юртига ўқишга кирган йилги-қизиларини сони кескин ошди.

Ҳа, ўтмиш хотираларидан дарак бе-не синоатлар яширинган. Бу ердан баҳор-нинг серёғини кунларидида оқиб ўтадиган Ашраф сойи қарий икки асрлик тарихга эга. Қишлоқ ҳудудига сув келтирган Урол Эшқобиловни, маҳалларини обод қилган инсонлардан бири Элмурод Дўстмуродов-ни қишлоқдошлари фахр билан эслашади.

Бу ерда яшайтган аҳоли қишлоқ та-рихини яхши билади, бу ҳақда мароқ бил-дан сўзлайди. Ўтмиш хотиралари келажак зарварларига йўл очади. Буни қизил-қарвонликлар алақачон аниқлаб етишган.

Г.БАХТИЁРОВА.

Ҳар маҳаллада ҳар юмуш ҚАҚИРЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ ЎРГАНИДДИ

Баркамол авлод йилида Булоқбоши туманидаги Ширмонбулоқ қишлоқ фу-қаролар йиғини «Қақир» маҳалласида қатор ибратли ишлар амалга ошири-лди. Аввало, ёшлар ўртасида ишсизлик муаммосини ҳал этишга эътибор қара-тилиб, мавжуд имкониятлардан оқило-на фойдаланилди.

Натижада Ширмонбулоқ тош қонида замонавий дастохлар билан жиҳозланган янги «Нуржаҳонбе-гим», «Табиий тош» масъулияти чекланган жамият-ларига йигирма нафардан ортиқ, шу ҳудуддаги фер-мер хўжаликларига олтиш нафарга яқин ёш дои-мий ишга жойлаштирилди.

Маҳалла ёшларини халқро терроризм ва диний экстремизмга, тийевандликка қарши кураш, ватанпар-варлик ва мустақиллик ғояларига садоқат руҳида тар-биялашга астойдил киришилди. Бу тадбирларнинг қиш-лоқдаги 25-мактаб, туман атросаноат коллежи ўқувчи-лари, ҳуқуқ-тартиб идоралари, «Нуроний» жам-ғармаси, «Қамолот» ЕИҲ, туман бўлинмалари билан ҳам-корликда амалга оширилгани, айниқса, самарали бўлди.

Ёшлар ўртасида спортни омалаштириш борасида яхши ютуқларга эришилмоқда. Мактаб спорт залида ташкил этилган волейбол, футбол, шахмат-шашка тўға-рақларида юздан ортиқ ёш спорт билан жиддий шу-ғулланмоқда. Шунинг учун ҳам қақирликлар туман вилоят мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Ушбу фикрлар амалга оширилган иш-ларнинг шунчаки баёни, ҳолос. Агар «Қақир» маҳалла фаолларининг тажрибасини ўрганишга бағишланган махсус семинар ташкил этилгани инобатга олинса, уларнинг фаолияти салмоғи нечоғли экани ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилинади. Бу эса қақирликлар тажрибаси ўрганишга лойиқ экани, уларнинг меҳнати ҳақли равишда эътироф этилганидан далолатдир.

— Мазкур тажриба ва ютуқларда «Маҳалла пос-бони» жамоат тузилмаси сардори Олимжон Абдухо-лиқов етакчилик қилаётган Ёшлар ва воёта етмаган-лар билан ишлаш комиссиясининг салмоқли ҳиссаси бор, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмасининг раиси Саидхон Мирзаева. — Қақир-ликларнинг ана шу ва бошқа соҳалардаги тажриба-сини ўрганишга бағишланган семинарга тумандаги олтига қишлоқ ва ўттиз еттига маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари, маслаҳатчилар таклиф этил-ди. Йилнинг қошида фаолият юритаётган 14 та ком-миссиянинг фаолияти иштирокчиларда катта қизи-қиш уйотди.

Узоқбой САҚСОНБОВ, «Mahalla» мухбири.

Маслаҳатчининг иш услуби

МЕҲНАТ УЛУҒЛАЙДИ ҲАР БИР ИНСОННИ



— Меҳнат қилган инсон ҳеч қачон муҳтожлик сезмайди, — дейди маслаҳатчи. — Аммо орамизда соғлиги боис меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолган инсонлар борки, улар доимо эътиборга, ғамхўрликка зарурат сезишади. Шу боис маҳалламиз аёлларини бир йилда икки марта табибий кўриқдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини тиклашга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар бир аёлнинг соғлигини ўрганиб, уларни гуруҳларга ажратганмиз. 1-гуруҳдаги аёлларнинг ўз соғлигини тиклашга имконияти етарли. Даволаниш учун моддий шароити чеklangан хотин-қизларга мутахассислар кўмағида табибий ёрдам кўрсатиб, уларнинг тезроқ соғайиб кетишини назоратга олганмиз.

Яқинда маҳалладаги бир хонадон беқаси ўғлини уйлантиришга моддий томондан бироз қийналганини айтиб қолди. Бу аёлнинг турмуш ўртоғи оламдан ўтган, қарамогидан 6 нафар фарзанди бор. Бир ўзи фарзандларини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, тарбиялаб келяпти. Аёл билан суҳбатлашган маслаҳатчи дарҳол ишга киришди. Ҳомийларини жалб қилган ҳолда тўйни ўтказишда бош-қош бўлди. Тўй ортиқча исрофгарчиликдан холи, ихчам ва тартибли ўтди. Ёш келин-куёвларга туман ҳокимлиги ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлимсининг совғалари топширилди.

Тиниб-тинчимас маслаҳатчининг саяёҳ-ҳаракати билан кўлаб хонадонларга қувонч кирди. Оилалар тинчлигини, кўшнилари аҳиллигини теварак-атроф ободлигини кўрган ҳар бир инсон бу маҳалланинг файзли, баракали маскан эканига амин бўлади. Бу эса Раёно Йўлдошева сингари эл қорига яраётган кўлаб маҳалла фаоллари меҳнатининг самараси эканлигини айни ҳақиқат.

Тўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» муҳбири.

Раёно опа ҳар куни эрталаб маҳалла идорасига келгач, бажарадиган ишларини режалаштириб олади. Бу унинг доимий одати. Маҳалладаги оилаларда бўлаётган тўю тадбирлар ёки муаммоли вазиятларнинг ҳеч бири маслаҳатчи опанинг эътиборидан четда эмас. У ҳудуддаги оилаларнинг аҳоли билан қизиқади, ҳузурига келган маҳалладошларидан маслаҳатини аямайди.

Раёно Йўлдошева, мана, 6 йилдирки, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани «Қудуқбоши» маҳалласи фуқаролар йиғинида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлаб келмоқда. Маслаҳатчи бўлиб сайлангач, дастлаб эътиборини маҳалладаги кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларнинг турмуш тарзини ўрганишга қаратди. Маҳалла қошидаги Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва

қўлаб-қувватлаш комиссияси аъзолари билан ҳамкорликда иш олиб борди.

— Маҳалламизда 1600 та оила истиқомат қилади, — дейди маслаҳатчи. — Иш фаолиятининг дастлабки йилларида ҳар бир оиланинг турмуш шароитини ўргандим. Ўз навбатида, маҳалла оқсоқоли Бобохон Олимов, Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Манзура Мадраҳимова ва кўлаб фаоллар билан биргаликда ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш, кам таъминланган оилаларга

моддий ёрдам кўрсатиш режасини тўздик. Ҳозирги пайтга келиб, рўйхатга олинган оилаларнинг моддий аҳоли ўнланди. Бунга хотин-қизлар ва ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилиш орқали эришдик.

Дарҳақиқат, фидойилик, ташаббускорлик туфайли муаммоларнинг ечими топилади. Узоқ йиллар умумтаълим мактабиде ёшларга сабоқ берган мураббий Раёно опа маслаҳатчи сифатида ҳам тез орада ўз қобилиятини намоён этди. Унинг таклифи билан уй бекалари, ишсиз хотин-қизларнинг 20 нафари касаначиликка жалб этилди. Туман бандликка кўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда 15 нафар йиғит-қиз ишга жойлаштирилди. Яна шунча нафар ўсмир дурдодорлик касбиди эгаллашпти.

Дунёдан дараклар

АВТОМОБИЛЛАР ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Канаданинг Онтарио музофоти кучли қор бўронлари остида қолди. France-Presse хабарига қараганда, 300 та автомобиль йўлларда тўхтаб турибди. Уларни қутқариш ишларига ҳарбийлар жалб этилди. Вертолётлар ёрдамида ҳайдовчилар хавфсиз

жойларга кўчиримоқда.

Қутқариб олинган ҳайдовчиларнинг таъкидлашича, туман туфайли йўллар умуман кўринмайди. Ҳаво ҳарорати 20 даража совуқ. Кучли шамол эса қутқарувчилар ишини қийинлаштиряпти.



МАОШЛАР ҚИСҚАРГАНИ УЧУН


Кеча Греция пойтахти Афинада ҳайдовчиларнинг иш ташлаши туфайли шаҳар транспорти ҳаракати бутунлай издан чиқди. Reuters хабарига айтилишича, шаҳарда трамвай, метро ва автобус қатнови тўхтаган. Транспортчилар ҳукуматнинг маошларни ва иш ўринларини қисқартириш борасидаги режасига қарши шундай йўл тутти.



Норозилик намоишида коммунал хизмат ходимлари ҳам иштирок этдилар. Чунки ҳукумат бу соҳа ходимлари маошини ҳам 25 фоизга қисқартирмоқчи.

France-Presse муҳбири ойликларнинг қисқариши бюджет харажатларини камайтириш йўлидаги уриниш эканлигини таъкидлади. Жорий йилнинг май ойидан буён мамлакатда беш марта норозилик намоиши ва иш ташлаш бўлиб ўтди. Норозилик намоиши тўхтагани йўқ.

БИР ОЙГА ЧЎЗИЛДИ



Испания ҳукумати мамлакат аэропортларида эълон қилинган фавқулодда ҳолат муддатини яна бир ойга чўзди. Бу фуқаро самолётларининг мунтазам парвозини таъминлаш йўлидаги ҳаракатдир, деб эъзади Reuters муҳбири.

Маълумки, жорий йилнинг 4 декабрь куни авиадиспетчерларнинг бир кунлик иш ташлаши туфайли минглаб одамлар ўз манзилларига ета олмаган, катта шаҳарларидаги аэропортларида жиддий норозиликлар келиб чиққан эди. Шу боис ҳукумат аэропортларда фавқулодда ҳолат эълон қилиб, ҳарбий аэродромлар диспетчерларни фуқаро аэропортларига жалб этишга мажбур бўлганди.

ПУЛ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Кельнда яшовчи бир аёл кўчада қолирилган сумкадан 41 минг евро пул топиб олди. Бу пулга 45 ёшли аёл ўзига машина ёки қимматбаҳо тақинчоқлар сотиб олиши мумкин эди. Ҳатто дунё бўйлаб саёҳатга чиқса бўларди. Аммо у бундай қилмади. Сумка ва пуллари полицияга топширди.



Сумкадаги ҳужжатда пул эгасининг номи ва манзили бор эди. Шу боис полиция бойлик эгасини ҳеч бир қийинчиликсиз топди. Бировнинг пулига хиёнат қилишни истамган аёл энди 1000 евро мукофот олади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



«АСАКА» банки (ОАЖ) жамоаси

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сизларни кириб келаётган Янги 2011 йил билан чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

“ДАРОМАДЛИ-1”

Сақланиш муддати — 1 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда берилади.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТ

“ЯНГИ ЙИЛ-2011” АҚШ доллариди

Сақланиш муддати 13 ой.
Ҳисобланган фоизлар ҳар чорақда ёки омонат ёпилганда берилади.

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ)
САРМОЯНГИЗНИНГ
САҚЛАНИШИ ВА
КЎПАЙИШНИ
КАФОЛАТЛАЙДИ.

БАРЧА
ОМОНАТЛАРИНГИЗ
ФУҚАРОЛАРИНГИЗ
БАНКЛАРДАГИ
ОМОНАТЛАРИНИ
КАФОЛАТЛАШ
ФОНДИ
ТОМОНИДАН
КАФОЛАТЛАНДИ.

Мурожаат учун: «АСАКА» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

- | | |
|--------------------------------|-----------------|
| 1. Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 |
| 2. «Автотранспорт» филиали | (371) 120-39-95 |
| 3. Шайхонтохур филиали | (371) 140-39-36 |
| 4. Юнусобод филиали | (371) 225-16-46 |
| 5. Сирғали филиали | (371) 258-67-49 |
| 6. Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 |
| 7. Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 |
| 8. Асака филиали | (374) 233-13-69 |
| 9. «Фарҳод» филиали | (374) 229-97-53 |
| 10. Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 |
| 11. Марғилон филиали | (373) 237-12-37 |
| 12. Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 |
| 13. Кўкон филиали | (373) 552-61-04 |
| 14. Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| 15. Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| 16. Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| 17. Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| 18. Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| 19. Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| 20. «Афросиёб» филиали | (366) 234-17-96 |
| 21. Кашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| 22. Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| 23. Қорақалпоғистон филиали | (361) 223-72-47 |
| 24. Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| 25. Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| 26. Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

- Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
 - маълумотлари сир сақланиши тулик кафолатланади;
 - эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
 - миқдори чекланмаган.



Соғлом она — соғлом бола

БОЛА КУЛГУСИ НАҚАДАР ТОТЛИ



Оилавий поликлиникага келган аёллардан бири 5 ёшли кизалоғини тиббий кўрикдан ўтказиш учун шифокор қабулида навбат кутаётган экан. Айтишча, кизининг феъли жуда инжик бўлиб, фикрлаш доираси ҳам тенгдошларига қараганда анча саёз эмиш.

— Бунинг сабаби, — дейди ўзини Манзура деб таништирган аёл, — кизимга ҳомиладорлик пайтидаги соғлим ёмон эди. Феълим ҳам ўта та-

жанг бўлиб қолганди. Фарзандим дунёга келгач, соғлимни тиклаш учун ўзим билан ўзим овора бўлдим. Боламга етарли даражада эътибор қара-

та олмаганим боис, у нимжон бўлиб ўсди. Иккинчи фарзандим жуда соғлом, табиатан қувноқ. Ўйлаб кўрсам, онанинг ҳомиладорлик пайтидаги ҳолатининг тувилажак фарзанди соғлиги жиддий таъсири бўлар экан.

Дарҳақиқат, бу каби мисоллар боланинг саломатлиги она қорнидаёқ шаклланиши айна ҳақиқат эканлигини кўрсатмоқда. Шу боис мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Юртимизда «Соғлом она — соғлом бола» дастурининг ҳаёта тadbиқи қилинаётгани бу борадаги ишларни янада жонлантирди. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида мазкур дастур ижросига доир вазифаларга барча мутасаддилар сарфарб этилган.

Пойтахтимизнинг Бектемир туманидаги «Зилола» маҳалласида хотин-қизлар ва туғиш ёшдаги аёлларнинг мунтазам тиббий кўриқка жалб қилинаётгани эш оналар ва тувилажак фарзандларда узраши мумкин бўлган турли касалликларнинг олдини олишда муҳим омили бўлган.

— Бугунги кунда асосий эътиборни аёллар саломатлигига, фарзандларнинг соғлом туғилишига қаратганмиз, — дейди шифокор Муҳаббат Қурбанова. — Маҳалладаги хотин-қизлар бир йилда икки марта, ҳомиладор аёллар эса гинеколог назоратида бўлиб, ҳар ойда бир марта шифокор кўригидан ўтади. Уларда бола ёки она соғлигига зиён етказувчи аломатлар кузатилса, дарҳол чорасини кўрамиз. Бу ишларни, ал-

батта, маҳалла фуқаролар йиғини фаолияти билан биргаликда амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Олти йилдан буён «Зилола» маҳалласида маслахатчи бўлиб ишлаб келаётган Дилором Ниязова уйдабурон, ташкилотчи, маҳалладошларига ҳаммаслак ва кўмақдош. У хотин-қизларнинг яқин сирдошига айланган. Аёллар бирор масалада маслахат сураганида Дилором опа ҳеч қачон тавсияларини аяматган.

— Айни пайтда маҳалламизда истиқомат қилаётган 3 мингдан зиёд аҳолининг икки мингта яқини хотин-қиз, — дейди маслахатчи. — Оилада она ва бола саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини, тиббий маданиятни шакллантириш мақсадида оилавий поликлиника шифокорлари билан ҳамкорликда ҳар бир хонадонга кириб, сўхбатлар ўтказамиз. Маҳалламиздаги 540 нафар туғиш ёшдаги аёллар билан алоҳида тушунтириш ишлари олиб боришимиз. Ҳомиладор аёллар ва ёш оналар ҳафтада бир марта «Оналар мактаби» машғулотларига қатнаб, шифокорлар кўмағида туғиш ораллиғидаги вақт, чақалоқни вояга етказишда она сўтининг афзалликлари борасида ўзи ва фарзанди учун зарур кўникмага эга бўлмоқда.

Боланинг соғлиги учун мунтазам тиббий кўрик қанчалик муҳим бўлса, унинг ўйда, боғчада, мактабда, кўча-кўйда тозалик гигиенасига риоя қилиши ҳам шунчалик аҳамиятлидир. Бунинг боғлиқ дунёқарашига сингдириш ва уни шунга амал

қилишга ўргатиш борасида мактабга таълим муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Маҳалла ҳудудда жойлашган 578-сонли болалар боғчасида бу борада қилинаётган ишлар диққатга сазовор.

— Муассасамизда 10 та гуруҳда 200 га яқин тарбияланувчилар бор, — дейди боғча мудираси Любовь Фарқуца. — Татқиқлаш лозимки, болалар кўп вақтини боғчада ўтказиши. Биз уларни нафақат тўғри тарбиялашимиз, соғлигига ҳам масъул бўлишимиз керак. Болаларни ота-онасидан қабул қилиб олгач, боғча шифокори уларни тиббий назоратдан ўтказиши. Бизни болалар ерда ётган буюм ёки ўйинчоқни оғзига солишга ҳаракат қилади. Айрим ҳолда қўлини ювмасдан овқат ейди. Кичик ногигиенки ҳаракатлардан боланинг соғлигига путур етказадиган касалликлар пайдо бўлиши мумкин. Биз болаларда кўникма ҳосил бўлиш учун бундай одатларнинг ёмонлигини турли эртақлар мисолида тушунтирамиз. Боланинг ювиниш жойи, овқатланиш столи, ўйинчоқлари тозаланиши кун давомида доимий диққат-эътиборимизда бўлади.

Соғлом камолга етаётган бола-жонларимиз — миллатимизнинг эртаси, юртимиз келажиги. Уларнинг беғубор кулгуларидан-да тотлироқ бахт йўқ аслида. Зеро, фарзанди соғлом, дурқун вояга етаётган онанинг кўнгли хотиржам бўлади.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Mahalla» мухбири.

Оила тилсими

НИКОҲ ҚАЙД ЭТИЛСАЮ БАХТДАН ДАРАК БЎЛМАСА?...

ёхуд қариндошлар ўртасидаги қуд-андачиликнинг салбий оқибатлари хусусида

Қарияларимиз тилида энг кўп айтиладиган дуо — «топганинг тўйга буюрсин», деган ниятдир. Дарҳақиқат, тўй орқали жамиятда янги оила кўргони бунёд бўлади. Бу оилада туғилган бола авлодлар бардавонлигини таъминлайди. Аммо бугун барчага аён бир ҳақиқат борки, янги оиланинг келгусида фаровон, бахтли бўлишига фақат дабдабали тўйнинг ўзи кифоя қилмайди.

Ҳар бир ёш тўйга қадр оила кўргонининг муносиб пойдеворини қура олмағи даркор. Бунинг учун тўйга қадр ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан камолотга етмоғи лозим. Биз бу ўринда никоҳ ёшнингигина назарда тутмаймиз. Янги оила оstonасидаги ҳар бир ёш ўз жуфтини, аввало, ҳар жиҳатдан яхши билиб олмағи талаб этилади.

Дейлик, фотиҳаланган жуфтликларнинг бири касалмақда. Аммо унинг оиласидаги турмуш ҳақиқатдан буткул давлатиш ўрнига, турли гап-сўзлар урчишидан чўчиб, никоҳни тазлатишга ҳаракат қилишади. Ҳўш, ана шундай носоғлом оилада соғлом бола дунёга келиши мумкинми? Албатта, йўқ. Айнан шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун юртимизда кейинги йилларда никоҳланувчи ёшларнинг тўйдан олдинги тиббий кўриқдан ўтиши мажбурийлиги Оила кодексига белгиланган бўлади.

Оилада соғлом авлодини дунёга келтиришига яна бир омили, бу — қариндошлар ўртасидаги никоҳга йўл қўймасликдир.

Шу ўринда бир воқеани баён этсак. Одатдагидек, йигит ва қиз никоҳдан ўтиш учун ариза топширишди. Бир ой ичида белгиланган тиббий кўриқдан ўтишга, никоҳларини расмийлаштирарканман, фамилиялари турлича бўлишга қарамай, уларнинг бир-бирига жуда ўхшаши диққатини торди. Маълум бўлдики, улар ҳолавачча экан. Уларга қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, бунинг туғилган бола салбий таъсири аҳтимоли юқорилигини тушунтириб, яна бир бор ўйлаб кўришни маслахат бердим. Аммо орадан бир соат ўтар-ўтмас, ҳали йигит онаси ет-вида кириб келди.

— Бизда нима қасдингиз бор? — Салом-алиқни ҳам унутиб, ўдағайлашга тушди она. —

Аввал тиббий кўрик дегингиз, белгиланган тўйни бир ойга орта сурдим. Энди, бу нимаси? Нима, ўзининг боласини келин қилиб, бутун йилқан сепларим бегонага қолдишини истайсизми? Иккаласи ҳам соғлом бўлса, боланинг ногирон туғилади, деганингни нимами? Қолаверса, бу бизнинг ишимиз.

Нонвож никоҳ қайд этилди. Орадан бир ярим йил ўтгач, ҳалиги аёл неварасига туғилгани кўришга туғилган оғил уруч учун келди. Одатда бундай хужжат учун оталар келишар, севинганидан кўзлари порлаб турарди. Аёлнинг кўзида муң, юзидега камчилик зоҳир эди. Сабобини сездим-у, бироқ индамадим. Охири ўзи гап очди.

— Ушанда маҳалладегиларингиз, бизнинг маслахатингизга қаршилик қилмади, хато қилган эканман, — деди онахон. — Бошда жиян-келинимнинг норасидаси қорнида ёки нобуд бўлди. Кейингисини эса... минг дори-дармонлар билан сақлаганимиз, умид билан кўз тутганимиз ногирон туғилди. Синглим билан ўртага ҳам совуқчилик тушди...

Ҳа, фарзандлар бизнинг келажигимиз. Уларнинг соғлом туғилиши, вояга елиши учун эса барчамиз масъулмиз. Шу мақсадда бутун муассасамиз маҳалла фаолияти, соғлимни сақлаш ҳодими билан ҳамкорликда никоҳ ёшидаги йигит-қизлар учун тўйдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти, никоҳ ёши, репродуктив саломатлик борасида тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Шу боис, «Бахт уйи» мизда жорий йилнинг ўтган даврида никоҳдан ўтган 96 жуфтликнинг юқоридати зарурий мезонларга қатъий риоя этилиши таъминланди. Бу эса келгусида мазкур оидаларда соғлом чақалоқлар туғилишининг кафолатидир.

Зухро МАХСУДОВА,
Бухоро шаҳридаги
«Бахт уйи» мудираси.

Қишлоқ аёли кундалигидан

НИГОҲИДА ОРЗУЛАРИ ЖИЛВА ҚИЛАР...

Киш фаслининг оромбахш нафаси, атрофни чулғаган. Назокат шошиб уйқудан уйғонди. Апил-тапил қалин кийимларини энгига иларкан, соатга разм солди: вақт миллари роппа-роса бешни кўрсатмоқда. Сахар паллада сергак тортиб, уйқудан уйғониш унинг доимий одати.

Назокат ширин уйқуда ётган болаларининг устига кўрпа ёпиб, ҳовлига йўл олди. Ҳовли этни жунжиқтирадиган даражада салқин. Бу ҳаво эринибгина турган жувонни ғайратта ундади. Уй атрофи дарахт барглари билан тўлибди, гўё табиат ҳовлига ўзи тўтиган хазон «гиламли»ни ёйиб кўйгандек. Энди бу «гиламли»ни йиғиштириб, ҳовлини супуриш керак. Ана-мана дегунча ҳовли чиннидек ярақлади. Назокат эса 4 та ситирини соғиш учун далага йўл олди. Кўз темгасини, ситирлари бир челақдан сур бетади. Сутини соғиб, идишларга қуйган пайтда, узокдан сут йиғиб оладиган машинанинг товуши эшитилди. Сутини сотиб, бир неча кундан буён йиғайтган даромadini ҳисоблаб кўрди. Яна бироз қўшса, қиммат пальто олса бўларкан ёки рўздорнинг кам-қўстига сарфласамикан? Майли, эри билан маслахатлашади.

У ширин хаёллар билан ҳовлига кириб келганида соат еттига ақинлашганда. Тўрт ёшли ўғли Шерали, бир ярим ёшли қизи Шодия алақачон уйғонишган, бувижониси Гулсум ая уларни суйиб эркаларди. Барака тўпини, қайнанаси ҳаётда кўпини кўрган, оқ-қорани таниб, умр синовларидега толанган аёл. Ёши 78 да бўлса ҳам чарчадим, демайди. Гулсум ая турмуш ўртоғи Абду ака Бўронов билан 50 йилдан зиёд бирга умр кечириб, 10 фарзандни вояга етказиб, уйи-жойли қилди. Бир неча йил қишлоқ фуқаролар йиғинида раис вазифасида ишлаб, одамлар кўнглига йўл топган яхши инсон эди, раҳматли.

— Бобоси жуда тиниб-тинчимас, ризқли-насибали инсон эди, — дейди Гулсум ая турмуш ўртоғини хотирлаб. — Кўп йиллар қишлоғимизда раис бўлиб ишлади. Шу вазифасидан ортиб, деҳқончилик ҳам қиларди. Ерга меҳру муҳаббатни билади эди. Шу

тушлик қилгач, Назокат фарзандларини ухлатди. Болалар бирикки соат дам олишади. Унгача қайнанаси билан бошлаб қўйган гиламини тўқийди.

— Бу араби гилам, деб аталади, — дейди Назокат. — Гиламини тўқиди аввал кўй жунини учруқда йиғириб ип қиламиз, сўнгра ранг бериб, тўқийни бошлаймиз. Бу гиламини кўпчилик бўлиб бир ҳафтада тўқиб туратиш мумкин.

Қайнана-келин гилам тўқийни бошлаган ҳам эдики, ишдан қайтаётган овсинлар йўл-йўлакай хабар олишга киришди, кетишни эп кўрмай дастгоҳ ёнига ўтиришди. Уйин-қунагу, ҳазил-мутойба билан ҳангомини қизитган овсинлар, гиламини кун ботгунча тўқиб тургатишди. Назокат эни ва бўйи катта бир хонани эғалайдиган гиламини ҳовлидаги чорпоя устига ёйган эди, унинг алов ранги ботаётган қўш нурларидега жилаваланди.

— Бу набирамга аталган, уйини тўқидириб, кўзини яшатиб турсин, — дейди ая меҳнатидан завқланиб.

Бу оиладаги анъана шундай. Уйланаётган ўғил ва узатилаётган қизга атаб оила аъзолари гилам тўқийди. Ҳозиргина битказилган гилам катта келиннинг қизига аталган.

Ҳамма уй-уйига тарқалиб, рўздор юмушларини бажаришга, кечқурун катта овсиниқанда жам бўлишди. Келин бўлишига атаб бири рўмолача, бири кашта, бири сўзана тикди.

Бу аҳил, дўнонадек овсинлар Тошкент вилоятининг Бўха туманидаги «Ровот» маҳалласида истиқомат қилишади. Уларнинг турмуши, ўғлини сўқиб, ҳақоратлаб алоқадор бўлиб, теран нигоҳида оёқини орзулари каби жилва қиларди.

Назокат уйига қайтиб, тун яримлаганда ёстиққа бош кўяркан, эртанги ишларини яна бир бор режалаштириб олди. Деразадан тушиб турган ой шуъласи унинг пок кўнглига ошувта бўлиб, теран нигоҳида оёқини орзулари каби жилва қиларди.

Гўзал.



Бухоро давлат университети ҳузуридаги ахборот-ресурс марказида талаба-ёшларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиши учун барча шарт-шароит яратилган. Марказ 775 мингдан зиёд китоб фондига эга.

Марказнинг электрон базасига кириб, Бухоро давлат университети тарихи ва бугуни, илмий салоҳияти тўғрисидаги

маълумотлар, университет профессор-ўқитувчиларининг электрон дарсликлари, ўқув қўлланмалари, илм-фан ва техника соҳасидаги қўллаб-қўллашчилар билан танишиш мумкин.

СУРАТДА: Ахборот-ресурс марказининг 1-тоифали кутубхоначиси Марина Шарипова ва 2-тоифали мутахассис Моҳидур Нарзиева.

Тоҳир Истатов (ЎЗА) олган сурат.

Турмуш чорраҳаларида

МЕҲРГА ТАШНА ДИЛЛАР

Йўлдош ота, мана, бир неча кундири, яқин биродари Ҳамид отаниқанда яшайпти. Яққою ёлғиз ўғли Равшан эса...

Ўғли Равшан ҳақида ўйласа, Йўлдош отанинг кўнглини афсус-надоматлар қамраб олади. Ўғлининг болалиги, ота бўлиб унга меҳр беролмагани ёдига тушади. Ҳамиднинг фарзандлиги, невараларига қилаётган муомаласини кўриб, ўзидан нафратланиб кетади, вақтида оиласининг қадрига етмаганига афсусланади...

Ушанда унинг ишлари юришиб кетганди. Садо-сотикни йўлга қўйган, чўпгаги қашайиб, улфатларим қўйган-қанди. Ҳади уни, ҳади буни баҳона қилиб, ичкиликка берилиб кетди, ҳар куни уйга ширакайф ахвода келиб, хотинини, ўғлини сўқиб, ҳақоратлаб азобларди. Шундай кунларнинг бирида ичкиликдан боши тарс ёрилуғдай ахвода ётган Йўлдош атрофида аланглаб хотинини қидирди. Кейин Равшанин қақирди:

— Равшан, хў Равшан, — деди у бошини чангаллаганча. Юзлари совуқдан қизарган Равшан елкаларини қисгачча отасининг сўқиб-турткилашларидан чўчиб, кўрка-понаси яқинлашди.

— Онанг қани? — Деди Йўлдош афтини бужмайтириб. — Онам бувимниқанда кетиб қолди, — деди Равшан бурнини тортиб. — Дада... бўлди энди етар, бошқа ичма-а-анг.

Йўлдош хотинининг яна кетиб қолганини эшитиб баттар жаҳлга миңди. Аламини ўғлидан олмақчи-дек хезланди. — Меннинг ичим билан нима ишинг бор. Ундан кўра араққа пул

топиб кел, — деди у ўғлининг елкасига ниқтаганча.

— Ойим ўғли йўқ бўлса, пулни қаердан толаман? — деди Равшан йиғлаб юборди. — Бўлди, дада ичманг, ичманг энди...

Ўғлининг йиғайтганидан баттар жаҳди чиққан Йўлдошнинг ногаҳон Равшанинг жикқа хўл иретиқ пайпоқларидан чиқиб турган, совуқдан қизариб кетган бармоқларига кўзи тушди, бир лаҳза хаёлидан арақ ичаверганча ўғлига пайпоқ олиб бермайманми, деган фикр ўтди. Бу фикр миёсига қандай тез келган бўлса, шу лаҳзада унутди.

— Бор, йўқол, — деди у кўзларини ерга қадаганча. Йўлдошнинг кунда-кунора ичидан безор бўлган хотини ўғлини етаклаб отасиникига кетиб қолди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай улар ажрашди. Йўлдош бошқа аёлга уйланди, лекин бу хотини аввалги хотинига ўхшаб эрининг инсоғли келишини кутмади. Бир-икки марта ичиб келганидан кейинроқ лаш-лушнинг йиғиб жунаворди. Шундан сўнг Йўлдош ичкиликка муккасидан кетди. То жигари хасталаниб,

қон қусиб ётиб қолмагунча ичаверди. Касалхонада оилаб даволанганди, ичшини буткул ташлади. Аммо энди у ногиронлик нафақасига чиққан, хотини ўғли билан бошқа шаҳарга қўчиб кетишган, ота-онаси қазо қилган, ўзи эса укасининг қармоғида қолган эди. Ҳеч қаерда ишламайдиган одам бировларга ортиқча юк бўлиши тайин. Йўлдош қариган чоғида уканинг уйига ҳам сизмади, келин кирса ҳам, чиқса ҳам қовоқ-тумшүк қилаверди. У ўйлай-ўйлай охир-оқибат қариялар уйдан навоҳ тоқди. Бунинг билан яқин аўсти Ҳамид ота уни уйига олиб келди.

Мана, олти ойдири, у аўстиникида. Шу ерда яшай туриб, аўстиникида ўғилларига, ўғилларнинг ўз навбатида, фарзандларига муомала-муносабатини кўриб ўзидан ўтган хатоларини ҳис қилди. Ёлғиз ўғли Равшанин бирор марта бошини силаб эркалаганини, унга илм сўз айтганини эсломайди. Айниқса, Равшаниннинг йиртиқ пайпоғидан чиқиб турган, совуқдан қизариб кетган оёқларини эсласа, ўзидан нафратланиб кетади. Равшан айна пайтда тоғларнинг кўмағида чет элга тахсил олаётганини, хотинининг вафот этганини эшитган ота алам билан: «Ўғлимнинг ўқини ҳам битиб қолгандир. Меңдай нобокор отани эсласам ҳам керак», деб ўйлайди ич-этнини еб.

Ҳаётини бошидан бошласа ўғли унга меҳр кўрсатадигандек, ўзи ҳам одамлардек яшайдиган умидлариди...

Шундай кунларнинг бирида у кўчада ўриндиқда ўтирганди, дарвоза олдига бир машина келиб тўхтади. Йўлдош ота қўлини манг-

лайига қўйганча, қаршида тўхтаган машинадан турган йигитга қаради. Йигит саломлашган: «Ҳамид ота шу хонадонда яшайдими?», деб сўрди. Йўлдош ота сергак тортиди.

— Ҳамид отанинг уйи шу, ўғлим, — деди у йигитчани кимгадир ўхшатиб.

Йигит Йўлдош отага бир пас тикилиб турди: «Дада! Дада, сизмисиз? Мен, ўғлингиз Равшанман, — деди чола яқинлашиб, уни қучоқларкан. — Сизни олиб кетгани келдим. Уйга кетамиз, невараларингиз, келиннингиз сизни кутаяпти.

— Ўғлим, ўғлингана, — деди кўзлари ёшланган Йўлдош ота Равшанин бағридан бўшаттис келмай...

Мана, бир неча ойдири Йўлдош ота ўзиникида. Неваралари отанинг атрофида гирдиқалак. Бобо невараларига эртақ айтиб, китоб ўқиб беради, улар билан шашка-шахмат ўйнайди. От бўлиб кичкинтойларини елкасига миңдириб эмақлайди, гўё ўғли Равшанга беролмаган меҳрини энди невараларига бериб гуноҳларини ювмоқчидек.

Равшаниннинг кўрсатаётган меҳр-эътиборидан мамнун бўлган кезларда унинг болалиги — бурнини тортишга кўзлари жиққа ёшга тўлиб турган афтодохол ўғли, йиртиқ пайпоқларидан чиқиб турган бармоқлари кўз олдига келади. Меҳрга зор бўлиб ўсган ўғлининг бутун катта бир идорага раҳбарлиги Йўлдош отага тушга ўхшаб туюлади. Яқинда нафақасини олган Йўлдош ота невараларига ширинликлар, ўйинчоқлар харид қилди... ва уларга кўшиб ўғлига бир жуфт пайпоқ сотиб олишини ҳам унутмади...

Барно СУЛТОНОВА.

